



POSTDA



O'zbekiston Respublikasi
IIV nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqqan boshlagan • E-mail: postda08@umail.uz • 2015-yil 24-oktabr, shanba • № 43(4144)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Каримов Исраил Мирзаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра бошлиғи

II даражали «Шон-шариф» ордени билан

Ибрагимов Валижон Каримович — Тошкент вилояти Ангрэн шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи

Метинов Тохир Болтабоевич — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

«Дўстлик» ордени билан

Кулмуродов Шухрат Комилович — Навоий вилояти Навбахор тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

Пак Владимир Сергеевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти котибияти бошлиғи

Сапарниязов Баҳадир Базарбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани ички ишлар бўлими катта терговчиси

Шестокрилов Эдуард Николаевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси эксперт-криминалистика маркази бўлинма бошлиғи

«Мардлик» ордени билан

Бозоров Азимжон Ахатович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

Мансуров Зиёдбек Жураевич — Андижон вилояти Балиқчи тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

Ташалиев Сулаймон Темирович — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта ёнғин ўчирувчиси

Тиллаев Икром Рустамжонович — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Тургунов Ойбек Абдумоннобович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

«Жасорат» медали билан

Жумаев Холакбар Тўйчиевич — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Садиев Суннатилло Нематиллаевич — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Файзуллаев Комилжон Абдурайимович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Халимов Алишер Анварович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Холиқов Гофуржон Ғойибназарович — Фарғона вилояти Қўқон шаҳар ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиси

Якубов Дилшод Илёсович (марҳум) — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиси

(Давоми 2-бетда).

Репортаж

Бу дунёда энг бебаҳо неъмат — тинчликка ҳеч нарсани қийслаб бўлмайди. У бор жойда ободлик бўй кўрсатади, мамлакат тараққиётга юз тутаяди, халқ фаровон яшайди. Не бахтки, тинч-осойишта юртимиз бугун тенглар ичра тенг бўлиб, жаҳонга юз тутмоқда. Халқимиз яратувчанлик, бунёдкорлик завқила яшамоқда, она диёримиз кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Барча соҳаларда улкан муваффақиятлар, бемисл ютуқлар қўлга киритилляпти. Буларнинг барчаси, энг аввало, мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарорлик, осойишталик, тинчлик туфайлидир.

Тинчлик қўлдан бой берилган, унинг кадрига етмаган қанчадан-қанча ҳудудларда не-не хунрезликлар, ихтилофлар



ФИДОЙИЛАРНИ ҚАДРЛАГАН ЮРТ



давом этаётганлигини бугун барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Урушлар, вайронгарчиликлар юз бераётган ўша жойларда ота-оналар фарзандимга нима бераман, қорнини қандай тўйдираман, дея қайғуга ботган. Ўз юртида ўз уйдан айрилиб, пана-пастқамда жон сақлаётганлар қанча? Ночорлиқдан, урушлардан беизиб ўз ватанини ташлаб чиқиб, мусофирчиликда сарсон-саргардон бўлиб юрганлар-чи?! Ана шуларни кўриб, эшитиб, шундай осмони мусалло, халқи хотиржам, гўзал ва обод юртда яшаётганига шукур қиласан, киши. Ахир, эрталаб шошиб ишга отланиш, кечкурун уйга ошиқиш, оилада жамулжам бўлиб дастурхон атрофида ўтириш, тунда тинч ва хотиржам ором олишдан ҳам ортиқроқ бахт борми дунёда?!.

(Давоми 8-9-бетларда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ички ишлар идораларининг масъул ходимлари ва соҳавий хизматлари раҳбарлари иштирок этди.

Ҳайъат йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Ахмедбаев кириш сўзи билан очди ва олиб борди. Вазир республика ички ишлар идоралари томонидан 2015 йилнинг тўққиз ойи мобайнида жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида муайян натижалар қўлга киритилганини қайд этиб, мамлакатимиздаги криминоген вазият барқарор сақланиб туришида барча ҳуқуқ-тартибот идоралари қатори ички ишлар органлари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини айтиб ўтди.

Ҳайъат раиси шу билан бирга, ички ишлар органларининг ўтган даврдаги фаолиятини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш зарурлигини таъкидлаб, жиноятчиликка қарши курашишни янада кучайтириш,

диний экстремизм ва терроризм кўринишларининг олдини олиш юзасидан аҳоли ўртасида огоҳликка ундашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари салоҳи ва самарадорлигини ошириш борасидаги вазифаларга тўхтади. Шу билан бирга, тизим ходимлари зиммасига юклатилган вазифалар тўғрисида сўз юритиб, элу юртнинг тинчлик-осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан тегишли кўрсатмалар берди. Чунинчи, профилактика инспекторларининг шахсий масъулиятини ошириб, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кенг жамоатчилик ва таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда).

Шундай экан, ҳар биримиз мамлакатимиздаги осойишта, осуда ҳаётнинг, бир сўз билан айтганда, неъматларнинг энг аълоси бўлмиш тинчликнинг қадрига етишимиз, уни кўз қорачиғидек асрашимиз лозим. Зеро, Юртбошимиз кўп бора таъкидлаганидек, тинчлик учун курашмоқ керак.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда тинчлик, осойишталикни сақлашда, жамоат хавфсизлигини таъминлашда бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари қатори ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ёнғин пайтида жабрланганларни қутқараётган, хавфли жиноятчиларни ушлаб, криминоген вазиятни барқарорлаштираётган, зиммаларига юклатилган объектларни ишончли кўриқлаётган, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олаётганлар ҳам айна шу соҳа вакиллари дидир. Зеро, бугун ички ишлар идораларида сизу бизнинг осойишталигимизни таъминлашни, касбига садоқатни ҳаётининг мазмуни деб билган гайрат-шижоатли кўплаб ходимлар хизмат қилмоқда.

Истиклол йилларида юртдошларимизнинг осуда ҳаёт кечирishiга эришиш, уларнинг юрт равнақи йўлидаги бунёдкорлик ишларига кенг имкониятлар очиб қамақда тизимда кенг мақровли ислохотлар ўтказилди. Ички

ишлар идораларининг моддий-техник базаси тубдан мустаҳкамланди, замонавий техникалар, ахборот-коммуникация технологиялари, транспорт воситалари билан таъминланди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Ички ишлар идоралари шахсий таркиби жисмонан соғлом, маънан етук, юрт учун жонини қалқон қилишга қодир ватанпарвар, шижоатли ёшлар билан жамланмоқда.

Юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан ички ишлар идоралари ходимлари жиноятларга қарши курашиш,

да кенг нишонлаб келиняпти. Энг қувонарлиси, айнан шу куни осойишталик посбонларининг бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқда.

Одатдагидек, Ички ишлар идоралари кунига бағишланган бу йилги байрам тантанаси ҳам республика Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида кўтаринки кайфиятда бошланди. Бу ерга ташриф буюрган соҳа ходимларининг юз-кўзида хурсандчилик, қувонч зоҳир. Улар бир-бирини касб байрами билан қутлашмоқда,

байроғи олиб кирилди, Давлат мадҳияси янгради.

Шундан сўнг генерал-лейтенант А. Аҳмедбаев ички ишлар идораларининг барча шахсий таркиби ва фахрийларини байрам билан табрикларди. Соҳа ходимларининг осойишталикни сақлаш, жамоат тартибини таъминлашдаги ўрнига тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Мустақиллик йилларида ички ишлар идоралари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиб, тизимни замон талаблари асосида такомиллаштириш, қонунийлик ва

қий этишини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди.

Сир эмаски, бугунги кунда хавф-хатар, таҳдид бирон-бир давлат ёки минтақа билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Диний экстремизм, миллатчилик, миллатлараро низолар, коррупция, одам савдоси каби жиноятлар бутун дунёни ташвишга солмоқда. Шуни англаган ҳолда огоҳликни асло унутмай, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига раҳна солувчи кучларга қарши курашга ҳамisha шай туришимиз лозим.

ФИДОЙИЛАРНИ ҚАДРЛАГАН

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашда фидойилик кўрсатиб келишяпти. Ҳатто юртининг мард ва жасур фарзандлари азиз жонларини қурбон қилиб бўлса-да, юртимиз осойишталигини сақлаб қолишяпти. Ўз навбатида, осойишталик посбонларининг фидойилиги, машаққатли хизматлари Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бир неча йиллардан буён ҳар йили 25 октябрь мамлакатимизда Ички ишлар идоралари ходимлари кунини сифати-

самимий сўхбат қуришмоқда. Оркестр садолари эса уларнинг кайфиятига янада кайфият қўшгандек...

Байрам тантанасига ички ишлар идоралари ходимлари ва фахрийлари, шунингдек, тақлиф этилган меҳмонлар ташриф буюришди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Аҳмедбаев бошчилигидаги вазирлик раҳбарияти залга кириб келгач, байрам тадбири бошланди. Вазир тантанали йиғилишни очиб деб эълон қилгач, залга Ўзбекистон Республикасининг Давлат

ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар қилинди. Ички ишлар вазирлигининг жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш, тергов, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, профилактика, ёнғин ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларида туб ислохотлар амалга оширилди.

Айни пайтда ички ишлар идоралари тизими халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини, мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тарақ-

Хурматли ҳамкасблар!

Ҳар йили байрам муносабати билан бир гуруҳ ходимларимиз давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлмоқда. Юртбошимиз «Ишончингиз комил бўлсинки, сизларнинг одамлар осойишталигини таъминлаш йўлидаги машаққатли, олижаноб ва фидокорона меҳнатингиз доимо юксак қадрланади», деган эдилар. Бу йил ҳам касб байрами муносабати билан Президентимиз Фармонида кўра 35 нафар ҳамкасбимиз давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди. Ижозатингиз



СЎЗ – МУКОФОТ СОҲИБЛАРИГА:

Баҳадир САПАРНИЯЗОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани ИИБ Тергов гуруҳи катта терговчиси, майор, «Дўстлик» ордени соҳиб:

— Оққўнғил, меҳнаткаш халқимиз бор. Уларнинг тинчлик-осойишталигини сақлаш, ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилишдек шарафли вазифада хизмат қилаётганим мен учун катта бахт.

Юртдошларимизнинг фаровон яшаётгани, жиноятлар сони йил сайин камайиб бораётгани, содир этилганлари ҳам «иссиқ изида» қош этилиб, қонуний чоралар кўриляётгани халқимизнинг соҳа ходимларига бўлган ишончини юксалтиряпти. Бизни ҳам бу ишонч руҳлантириб, куч-ғайрат бағишламоқда.



Давлатимизнинг юксак мукофотига лойиқ кўрилганим учун Президентимиздан, вазирлик раҳбариятидан миннатдорман. Бу рағбат мени қувонтирибгина қолмай, зиммамдаги бурчга бўлган масъулиятимни янада оширади.

СЎЗ – МУКОФОТ СОҲИБЛАРИГА:

Сулаймон ТОШАЛИЕВ, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар ИИБ ЁХБ ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта ёнғин ўчирувчиси, кичик сержант, «Мардлик» ордени соҳиб:

— Барча соҳалар каби ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳам тобора такомиллашиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Хизмат фаолиятимизда қўлланилаётган замонавий техника воситалари халқимизни ўт балосидан асрашда асқотяпти. Қолаверса, ҳамкасбларимиз ҳам яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, юксак натижаларни кўлга киритишяпти.

Жони омон қолган, қолаверса, молмулки сақлаб қолган фуқаролар миннатдор бўлиб, ташаккурлар айтишяпти. Масалан, яқинда шаҳримизда автомашина ёниб кетди. Ўзини йўқотиб қўйган ҳайдовчи эшикни очолмай ичкарида қолиб кетибди. Уни олов ичидан қутқариб, зудлик билан шифохонага жойлаштирдик.



Тузалиб кетгач, оиласи ва яқинлари шундай қувондики, бунини кўришнинг ўзи кишига роҳат бағишлайди.

Эл-юрт учун қилган хизматларимиз Юртбошимиз томонидан эътироф этиляётгани, бизни юксак мукофотлар билан тақдирлаётгани шу касбдан бахт топганимиз белгисидир.



ЮРТ

билан ушбу мукофотларни ўз эгаларига топширсак.

Шундан сўнг республика ИИБ ШТБХ бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник У. Гаппаров Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони ўқиб эшиттирди. Вазир гулдурас қарсақлар остида давлат мукофотларига сазовор бўлган ходимларга орден ва медалларни топширди.

Хизмат пайтида ҳалок бўлган, вафотидан кейин «Жасорат» медали билан тақдирланган Хоразм вилояти Урганч шаҳар ИИБ ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиси, сафдор Дилшод Якубовнинг мукофоти унинг ўғли Сафармед Илёсовга топширилди.

— Ватан учун, унинг осойишталиги учун жонини фидо қилган отанинг фарзанди эканлигинингиздан доимо фахрланиб юринг. Отам йўқ деб асло ўкинманг. Сиз ва оилангиз ҳамisha бизнинг эътиборимизда бўлади, — деди вазир уни бағрига кучиб.

Тадбирда, шунингдек, намунали хизмат қилиб ҳамкасбларига ўрнатилган, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни

мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда осойишталикни таъминлашга қўшаётган ҳиссаси учун бир гуруҳ ходимлар республика Ички ишлар вазирининг буйруғига биноан Фахрий ёрлик, «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони ҳамда эсдалик қўл соатлари билан тақдирланди.

— Ҳозир жуда ҳаяжонданман. Шундай юксак мукофотга лойиқ кўргани учун Президентимизга ва Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига ўз миннатдорлигимни билдираман, — дейди «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, ИИБ Академияси кафедра бошлиғи, полковник Исроил Каримов. — Ички ишлар идоралари тизимига малакали кадрлар етиштириб берувчи нуфузли олий даргоҳда хизмат қилаётганимдан, етук мутахассислар тайёрлашга озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Бундан кейин ҳам бор куч-ғайратимни шу йўлда сарфлашга, эътирофга лойиқ бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

Тантанали тадбир ИИБ Маданият саройининг ашула ва рақс ансамбли хонандалари ҳамда юртимизнинг танikli санъаткорлари иштирокидаги байрам концертига уланган кетди.

Фозил МАМАШАРИПОВ. Иномжон РАҲИМХЎЖАЕВ.
Суратларда: байрам тадбиридан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ ва Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.



Байрам тилаклари

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ



Дунёда касблар кўп. Барча касб эгалари туғилган юрти истиқболли, унинг янада раванқ топиши, гуллаб-яшинашига ўз ҳиссасини қўшишни истайди. Лекин улар ичида она юрт тинчлик-осойишталигини ўйлаб кечаю кундуз фидойилик билан хизмат қилиш, шубҳасиз энг хайрлисидир.

Жонажон Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликнинг таъминланишида ички ишлар идоралари ходимларининг беқиёс ҳиссаси бор. Сизу бизнинг бемалол ором олишимиз, кўча-кўйда ҳадик-хавотирларсиз юришимиз учун ўз ҳузур-ҳаловатидан кечган бу инсонлар ҳақида ҳар қанча илиқ сўз айтсак ҳам камлик илади. Фурсатдан фойдаланиб, юртимиз тинчлик-осойишталигини таъминлаб келаётган ички ишлар идоралари ходимларини касб байрамлари билан чин қалбдан табриклайман.

Тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва бахту саодат доимий ҳамроҳингиз бўлсин, азиз осойишталик посбонлари!

Фатхулла МАЪСУДОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.



СЎЗ – МУКОФОТ СОҲИБЛАРИГА:

Элмурод АҲМАДАЛИЕВ, Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, капитан, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби:

— Мен хизмат қиладиган «Юқори Шаҳрихон» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Тумор ва Соҳиобод маҳаллаларида олти ярим минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни мустаҳкам йўлга қўйганмиз. Шунинг учун ҳам олиб бораётган профилактик тадбирларимиз яхши самара берапти. Жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудимизда умуман жиноят содир этилмади. Ижобий натижаларга эришишимизда маҳалла аҳлининг аҳлиноқлиги, сергаклиги, хизмат фаолиятимизда бизга яқиндан қўмаклашаётгани муҳим омил бўляпти, десам адашмайман. Одамлар ҳалол меҳнат қилиб, тинч-тотув яшаяпти. Улар-



нинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечирishiга ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман.

Давлатимизнинг ушбу юксак мукофотидан руҳланиб, янада фидойилик билан хизмат қиламан. Шу билан бирга, барча сафдошларимни касб байрами билан муборакбод этаман.

СЎЗ – МУКОФОТ СОҲИБЛАРИГА:

Холмурод ШЕРҚУЛОВ, Қашқадарё вилояти Касби тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, капитан, «Шуҳрат» медали соҳиби:

— Мамлакатимизда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиляпти. Уларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари барчамизни қувонтиради. Мен хизмат қиладиган «Комилон» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қиладиган олти мингга яқин аҳолининг аксарияти ёшлардан иборат. Улар бўш вақтларида кураш, каратэ, дзюдо каби спорт турлари билан шуғулланишади. Бундан ташқари, ҳар хил хунармандлик тўғрисида ишлаб турибди. Энг қувонарлиси, ёшлар ўртасида жиноят содир этилишига йўл қўйилмаяпти.

Хуллас, осойишталикни сақлаш йўлидаги ҳаракатларимиз натижаси-



дан аҳоли миннатдор. Биз ҳам уларнинг ишончини оқлаш, бурчимизни шараф билан бажариш йўлида доимо олға интиламиз. Давлатимиз томонидан кўрсатилган бу юксак эътибор интилишларимиз йўлида бизга қанот бўлади.



ОДАМЛАРИ КОМРОН, КЕЛАЖАГИ НУРАФШОН

Бадиҳа

Мусаффо осмони, тинч ошиёни, хотиржам хонадонни, пири бадавлат ота-онаси, авлод давомчиси бўлаган болажони бор инсон дунёдаги энг бахтли одам бўлса керак...

Кушларнинг тонгги вал-фажридан уйғониб кетдим. Анча кеч ётганимга, одатдагидан бирмунча камроқ ухлаганимга қарамай, руҳим тетик, қалбимда қандайдир ёқимли шукуҳ кезинарди. Бир неча кун тинимсиз ёққан ёмғир тинган, ҳаводаги рутубат чекиниб, осмон яна ложувард рангга бўялган. Бор бисотини оламга сочишга шошилаётган бо-боқуёшни тўсиб турган тоғлар ортидаги уфқ қизғиш тоб тусга кирган...

Ювиниш учун жўмракни бурарканман, ундан сув эмас, дилтортар оҳанг куйилиб келаётгандай, ҳали ҳеч қачон эшитмаган шодон кўшиқни тинглагандай дилим яйради. Рўпарамдаги кўзгудан ўғлим-

нинг аксини кўриб қолдим. Унинг байрам тилаги қалбимни энтиктираётган ҳис-туйғуларимни янада жўштириб юборди. Ўғлим истиқлол тенгдоши, шунинг учун бўлса керак, унинг тимсолида мустақиллигимизни кўраман. Ҳар иккисининг тобора бўй чўзиб, куч-ғайратга тўлиб бораётганини кўриб кўзим қувнайди. Юрак-юрагимдан икковининг ҳам келажаги порлок, истиқболи нурли бўлишини тилайман...

Байрам тантаналарида киядиган либосимни тайёрлаётган рафиқамнинг ундаги юлдузларни, кўкрак нишонларимни ўзгача меҳр билан силаётганини кўриб юрагим ҳап-риқади. Кундалик юмушлари,

туганмас ташвишлари кам-дек, ўзини менга, фарзандларига бахшида этаётган бу мунис аёлга узроғо сўзларни айтгим келади. У эса, аксинча, хизматимиз қанчалик шарафли бўлса, шунчалик машаққатли эканини, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги бизларга боғлиқлигини айтиб кўнглимни кўтарашга ошиқади...

Онагинамнинг оппоқ орзуларга, яхши ниятларга тўла дуосини олиб хизматга отланарканман, руҳимда зўр кўтаринкилик, қадамларимда ўзгача шахд ва қалбимда уфуриб турган бахтни ҳис этаман. Дуодаги «тинчлик», «хотиржамлик», «осойишталик» сўзлари қулоқларим остида бот-бот жаранглаб, ана шу неъматларни асрашга бел боғлаганимдан юрагимда бекиёс шодлик билан бирга, юксак

масъулият ҳиссини ҳам туяман. Ҳамон уруш асоратларини елкалаб юрган кўшним Ризамат отанинг тинчликнинг бебаҳо неъмат эканлиги тўғрисидаги пурҳикмат сўзларини тинглаб, юртимизда эришилаётган муваффақиятлардан мамнунлигини кўриб янада мутаасир бўламан. Нонушта учун гузардаги новвой-хонадан нон олиб келган болани дуо қилаётган у каби кексаларни эъзозлаган юртининг келажаги нурафшон бўлишига янада ишончим ортади.

Байрамона кайфиятдан масрур бўлганча орзуларимдай оппоқ ва беғубор осмонга боқарканман, эмин-эркин парвоз қилаётган кушларни кўриб, осмони мусаффо, юрти тинч, халқи хотиржам мамлакатдагина кушлар ҳам эркин учушига амин бўламан. Назаримда, улар ҳам мени ўз

тилларида касб байрами билан табриклаётгандай шодон чуғурлашади. Бир-бирига гал бермай байрам тилаklarини айтмоқчи бўлишади.

Хизмат вазирамни бажаришга киришарканман, мен билан елкама-елка туриб хизмат қилаётган устозларим, биздан-да ўзиб кетиш учун юксак марраларни кўзлаётган шогирдларим кўзларидаги қувонч кўриб, гўё самоларга парвоз қиламан. Уларнинг қалбларини энтиктираётган шодлик, байрамона кўтаринкилик дилимни тўлқинлантираётган шукуҳга кўшилиб янада мавжланади. Байрамлар ярашган юртимизда тинчлик абадий ҳукмрон, одамлари комрон, келажаги нурафшон бўлишини юрак-юрагимдан истайман ва бунга ишонман.

Абдувахоб ХОЛИКОВ,
подполковник.

Кўрик-танлов

ДЎСТОНА БАҲС, МАҲОРАТ КЎРИГИ

ИИБ Қоровул кўшиқлари ҳарбий қисмларида фаолият кўрсатаётган бадиий ҳаваскорлик миллий рақс жамоалари ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Танловда Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Бухоро, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳарбий қисмлар жамоалари ғолиблик учун баҳслашди.

Танлов шартларига мувофиқ иштирокчилар томонидан юртимиз маданияти ва

урф-одатлари акс этган миллий рақслар ижро этилди. Жумладан, «Дилхирож» ва

«Андижон полкаси» ҳамда хоразмча, бухороча, сурхонча, қорақалпоқча рақсларни маҳорат билан ижро этган қатнашчилар ўз иқтидорларини намойиш қилдилар.

Иштирокчиларнинг чиқишларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Шунга кўра, Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган ҳарбий қисм вакиллари танлов ғолиби деб топилди. Кейинги ўринлар эса Навоий вилояти ва Тошкент шаҳри жамоаларига насиб қилди.

— Танловда қорақалпоқ тўйларида ижро этиладиган

миллий рақсларни намойиш этдик, — дейди кўрик-танлов ғолиби катта лейтенант Лайло Матёқубова. — Меҳнатларимизни юқори баҳолашганидан ғоят миннатдоримиз.

Г. АБАЗОВА,
Сержант Илҳом ЭГАМБЕРДИЕВ
олган суратлар.



О'ЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI
IIV BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI

MUASSIS:
О'ЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR
VAZIRLIGI

Bosh muharrir o'rinbosari –

Qobiljon SHOKIROV

Mas'ul kotib v.b. –

Zokir BOLTAYEV

Navbatchi –

Inomjon RAHIMXO'JAYEV

Sahifalovchi –

Rustam ISOQULOV

Matn ko'chiruvchi –

Gulnora SODIQOVA

TELEFONLAR:

231-33-88;

Faks: 254-18-79.

ISSN 2010-5355



9 772010 535001

Tahririyat
hisob raqami
20210000900447980001,
MFO 00420.
ATIB
«Ipotekabank»
Mirobod
tuman bo'limi.
INN 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosil-
ganda «Postda»dan olinganligi
ko'rsatilishi shart.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa
ijodiy uyi bosmaxonasida chop
etiladi. Korxonaning manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kuni chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2007-yil 11-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Buyurtma №S-4226. Bosilish – ofset usulida.
Hajmi – 4 bosma taboq. 67847 nusxada chop etildi.
Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar
uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00. Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ: 100070, Toshkent shahri,
Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi, 1-uy.